

HUMAN PERFECTION IN JALALID'S ROMAN WORK

Abdunosirova Halima Erdtillaevna

Tashkent Institute of Textile and Light Industry

Resume: The article analyzes the relationship between "the Universe is the basis of everything", "the relationship between the Universe and man, the main cause of the world" and the role of a scientist in world culture.

Key words: poet and sheikh, poetry, philosophical views, Islamic farzes.

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ИЖОДИДА ИНСОН КАМОЛОТИ

Абдуносирова Халима Эрдтиллаевна

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Аннотация: Ушбу мақолада аллома Румий таълимотида “олам ҳамма нарса пойдеворининг асосидир”, “Оlam ва инсоннинг ўзаро боғлиқлиги, дунёнинг асосий сабаби”нинг ўзаро алоқаси ва алломанинг жаҳон маданиятида тутган ўрни таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: шоир ва шайх, шеърлар девони, фалсафий қарашлар, исломий фарзлар.

Аннотация: В статье анализируется взаимосвязь между «Вселенная - основа всего», «взаимосвязь между Вселенной и человеком, главной причиной мира» и ролью ученого в мировой культуре.

Ключевые слова: поэт и шейх, стихы, философские взгляды, исламские фарзы.

Дунёдаги барча одамлар бир мақсад атрофида Румий шахсияти камолотида шоир ва шайх Шамси Табризийнинг ўрни катта. У Зийил Румийга дарс беради: фалсафа, хусусан, суфийлик таълимотини ўргатади. Шоирнинг ўзи ҳам бир байтида «Агар Аттор менга рух бахш этган бўлса, Шамси Табризий тилсим калитини тутқазди», деган. 1244 й. Румий устозини ниҳоятда хурмат қилгани учун ўз ғазалларида «Шамси Табризий», «Шамси» тахаллусларини қўллай бошлаган. Шоир ғазалларининг «Шамси Табризий девони» номи билан шуҳрат қозонишининг боиси ҳам шунда [42 минг байтли «Девони Кабир» («Улуғ девон»)нинг иккинчи номи «Девони Шамси Табризий»]. Румий ижоди усмонли турк адабиётининг сарчашмаси хисобланади. Румийдан шеърлар девони, «Макотиб», «Ичиндаги ичиндадир» («Фихи мо фихи») ҳамда «Маснавий маънавий» китоблари мерос бўлиб қолган. «Ичиндаги ичиндадир» насрй асар бўлиб, олимнинг турли мажлис ва сұхбатлардаги фалсафий нутқларининг мажмуасидир. «Макотиб» эса, муаллифнинг замондошлари ва устозлари билан бўлган турли ёзишмалари — мактубларидан иборат. Ҳар 2 асарда муаллифнинг ижтимоий фалсафий, ахлоқий таълимий мушоҳадалари, тасаввуфга доир назарий қарашлари ўз ифодасини топган. Шоир девони турли жанрлардан иборат 25 минг байтдан зиёд шеърларни ўз ичига олган. Румий шеърияти, асосан, илоҳий ишқ билан боғланган. У ўзининг барча асарларида еру қўкнинг соҳиби бўлмиш Аллоҳ ва унинг заминдаги халифаси ҳазрати инсонни улуғлайди. Румийнинг машхур асари «Маснавий маънавий»дир. Асарда Қуръони карим ва Ҳадиси шариф маъноларини ўзига сингдирган, инсон ҳёёти билан боғлиқ барча масалалар бадиий йўсинда баён этилган. 6 жилд (дафтар)дан иборат асарнинг дастлабки қисмларини адебнинг шогирди Ҳисомиддин Чалабий устози оғзидан ёзib олиб, тахлилдан ўтказган. Чалабий вафотидан сўнг муаллиф асарнинг давомини 10 йилда ёзib тугатади. Қуръони карим оятларининг 70 фоизи моҳиятини ўзида мужассамлаштирган, 270 дан зиёд ҳикояларни, юзлаб панду ҳикматларни ўз ичига олган бу китоб ўз вақтида ва кейинчалик ҳам ёзувчи номининг дунёга

кенг тарқалишига сабаб бўлган. Чунки Румий маснавийда ўзигача бўлган Шарқу Farb донишмандларининг фалсафий қараашларини, исломий фарзларни содда бир услубда, шеърий йўл билан бадиий ифодалаган. Агар Румий «Ҳар эрталаб беморлар шифо тилаб Исо алайҳиссалом эшигига боришгани», «Лочиннинг ўрдакларни саҳрора чиқаргани», «Зарвон аҳли қиссаси», «Мажнун Лайли кўйида юрган итни ўпид, эркалагани», «Бўёқчининг хумига тушган шақалнинг товуслик даъво этгани», «Хорут ва Морут қиссаси» сингари қисса ва ҳикояларида пайғамбарлар ҳаётидан турли мўъжизалар келтириб, исломий тасаввуфий ғояларни тарғиб этган бўлса, бошқа туркум ҳикояларида бевосита инсоннинг кундалик турмуши, илм маърифат касб этиши, ҳунар ўрганиш йўлидаги риёзатларини бадиий тасвирлаб, чуқур фалсафий хулоса чиқаришга унданган.

Румий ижоди юксак бадиияти билангира эмас, балки мантиқ кучи, фалсафий фикрларга бойлиги билан ҳам катта таъсир кучига эга. Унинг табиат ва жамият ҳодисаларининг доимий ўсиш, ўзгаришда экани, эскининг йўқолиб, янгининг пайдо бўлиши — «дунёнинг зиддиятлар бирлигидаги зиддиятлар жангига»дан иборатлиги тўғрисидаги қараашлари, немис файласуфи Гегелнинг эътирофича, унинг диалектик методни яратишига ёрдам берган. Румий асарлари кўпчилик форсигўй ва туркигўй шоирлар ижодига катта таъсир кўрсатган, маснавийхонлик халқимиз ўтасида кенг тарқалган. Жалолиддин Румий буюк файласуф сифатида ўзига хос мустақил фалсафий тизимга, яъни, инсон фалсафасига асос солди. Унинг барча асарларининг марказида Инсон туради. Мавлоно Румийнинг бой илмий мероси ва фалсафий ғоялари нафақат сўфиийлик назарияси ҳамда фалсафа илмини ўрганаётганларга, балки “Инсон” деб аталмиш мавжудотнинг моҳиятини англашни истаган барча ўқувчилар доираси учун аҳамиятлидир. Жалолиддин Румий ўз асарларида ўша даврда мусулмон оламида кам учрайдиган ҳолатни, яъни Қуръони Карим ва ҳадиси шарифлар тафсирию тамсилини ўз даврининг кишилари теранроқ тушуниши учун соддароқ тилда англатишга ҳаракат қилди. Биз Румийнинг “Маснавий маънавий”, “Ичиндаги ичиндадир”, “Мажолиси сабъа” каби фалсафий асарларини мутолаа қиласиз, уларда келтирилган ваъзлар, сұхбатлар, диний қараашлар ва ҳикоятлар орқали муқаддас Қуръони Карим, ҳадиси шарифлардаги оятлар маъносини теранроқ англай бошлаймиз. Чунки мутасаввиф асарларида ўзининг диний ва дунёвий қараашларини моҳирлик билан бир-бирига уйғунлаштирган ҳолда ўз концепциясини яратга олган. Жалолиддин Румий Қуръони Карим оятлари аллегорик эканлигини ва инсон

Қуръонни 7 марта ўқиб 7 хил тушунишини таъкидлаб ўтади. Ҳиндистон ва Покистонда истиқомат килувчи мусулмонлар Жалолиддин Румийни “Буюк сирли муаллим” дея шарафлайдилар. Жалолиддин Румийнинг тасаввуфий-ирфоний қараашлари ва сўфиёна назариялари ўзидан кейинги кўпгина тариқатларга ҳамда адабий-фалсафий мактаблар таълимоти ривожига сезиларли таъсир ўтказди. Румий ғоялари Farb маданияти тараққиётига ҳам таъсир қилди, унинг асарлари юзасидан турқум таржималар амалга оширилди. Профессор А.Арберри Жалолиддин Румий ижодини кенг ўрганган ва унга “Румий аслида инсоният тарихидаги энг сирли ва буюк шоирдир”, дея таъриф берган. Жалолиддин Румий даврлар ва замонларга таъсир ўтказиб келаётган шоирдир, унинг асарлари йиллар ўтган сайин гўё янгиланиб, умумжаҳоний мазмун касб этиб бораётгандай, у ўтмиш эмас, балки бус-бутун келажақдир, у ҳозир ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ дунё китобхонларининг диққати ва ҳурматига сазовор бўлмоқда1. Дарҳақиқат, Мавлононинг мавқенини бугунги кунда Европада, хусусан, АҚШда Румий ижодига бўлган қизиқиши ва унинг илмий меросини тадқиқ этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилаётганлиги мисолида кўришимиз мумкин. Шунингдек, атоқли тасаввуфшунос олим Карл Эрнст ўзининг “Суфизм” китобида мутасаввиф ҳақида шундай ёзди: “Ҳозирги даврда Румий ва Хоғиздай инглиз тилига энг кўп таржима қилинган ва юксак қадрланадиган шоир йўқ. Бошқа бирорта шоир уларга тенг келолмайди... Бу шоирларнинг асарлари Farbda оддий шеърдан кўра, муқаддас матнларга айлангандай туюлади... Румий асарлари (у ҳозир АҚШда энг кўп ўқиладиган шоир)

таржималари ва шарҳлари кўплиги жиҳатидан Библия билан баравар туради”.[1] Атоқли шарқшунос олим Е.А.Бертельс эса: “Жалолиддин Румий илмий мероси бу соҳада башарият эришган энг буюк ютуқлардан биридир. Агар у Farbda илгарироқ маълум бўлганида ҳозирда унинг номи Шекспир, Гёте, Пушкин каби буюк даҳолар сафида туриши шубҳасиз эди”, -дея қайд этади. Яна бир

шарқшунос олим Рам Дасс: “Бизнинг сафаримиз охирида фақат Аллоҳга қайтишни истайдиган жон бор. Бу ҳолатга ташналикни ҳеч ким Румийчалик тўла англамаган”,-дэя Румийнинг илоҳиётга оид назариясини тадқиқ этган. Бу борада М.Тюлемисов эса алломанинг диний қараашларини шундай талқин этган: “Румий-ўзгача мўмин. У бизга ўз “мен”имизни англатадиган ва эслатадиган масалларнинг бироз хаёлпараст

хикматчисидир”[2]. Немис олими И.А.Айзенштейн ўз тадқиқотларида асосий эътиборни қўпроқ аллома шахсиятига қаратган ва шундай ёзган: “...Фарб дунёси илм-фанида Жалолиддин Румий сиймосига қизиқкан ва унинг силуэтини 4тиклаган шахс бу – Иоганн Вольфганг Гётедир”[3]. Шунингдек, И.А.Айзенштейн ўз тадқиқотларида Жалолиддин Румийнинг илмий меросини ҳам тадқиқ этган ҳолда, шундай дейди: “Биз ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, битта шоирнинг ўрта асрлардаги бир ёки бир нечта турли фалсафий оқимларга таъсири бу оддий ҳодиса. Жалолиддин Румий яратган мўъжаз хикояларнинг мистик қобиғида ҳам ҳаёт ҳақиқатининг марварид доналари мавжуд”. [4] Мавлоно Жалолиддин Румий ижоди чет эл маданияти билан ассимеляциялашуви натижасида унинг шеърлари эндиликда муқаддас матнларга айланиб кетди. Натижада, Румий асарлари асл қўллэзмага нисбатан анча “жиддий”лашди. Аслиятдаги ва таржимадаги шеърий парчалар ҳамда ояtlар ўртасида сезиларли тафовутлар ҳам пайдо бўлди. Шу тариқа Мавлоно асарларининг бир-биридан фарқ қилувчи уч-тўрт хил версиялари пайдо бўлди. Таъкидлаш жоизки, Европа китобхонлари XVII асрнинг охирларига келиб Румий шахсини таний бошладилар. Европаликларнинг Шарққа, хусусан, Туркияга қилган сафарлари орқали улар “чарх уриб айланувчи дарвешлар”нинг маросимларида томошибин сифатида иштирок этдилар ва бу самоъ йиғинлари Европаликларда катта қизикиш уйғотди. Румий асарларининг француз тилига ilk таржималари Франциянинг Истанбулдаги элчиси Ж.де Валленбург томонидан амалга оширилган. Жозеф фон Хаммер Бургстал эса “Маснавий маънавий”дан парчаларни француз тилига таржима қиласди. Эдмунд Ҳелминский Қунёда ўтказиладиган самоъ рақсларида бир неча бор иштирок этади ва бу маросим унда катта таассурот қолдиргани сабабли “Ҳаётда ҳозир бўлиш” номли асар ёзади. Филипп Кэй Дик Шарқ маданиятига ва Ислом дини таълимотига ниҳоятда қизиқади, натижада у Румийга тегишли рубой ҳамда қитъалардан намуналар таржима қиласди. Жон Ҳик динлар тарихини ўрганиш бўйича мутахассис бўлиб, у “Дин тафсири” номли асар яратган ва асарининг биринчи бобини Мавлоно Румийга бағищлаган. “Тасаввуф оламининг нағма пардоз қуши” асари муаллифи Рой Каруул Деамот ҳам динлар тарихи бўйича

мутахассис хисобланади, у Жалолиддин Румий асарларига ва бу асарлардаги Қуръони Карим ояtlари-ю, ҳадиси шарифларнинг ўринли қўлланишини юксак даражадаги маҳорат дея эътироф этади. Карл Густав Юнг ҳам ўзининг асарларида ва фалсафий мулоҳазаларида Румий ижодига қўп ўринларда мурожаат этган. Файласуф Эрих Фром Румийдаги Ишқ ва ошиқлик ҳақидаги ғояларни алоҳида тадқиқ этган. У ўз асарларида Румийнинг “Ишқ –яратилишнинг гавҳари” ғоясини таҳлил қилган ва фаол тушунча сифатида қўп қўллаган. Америкада Румий ижодини ўрганиш ва истифода этиш ишларини дастлаб Р.Никольсон ҳамда А.Арберрилар бошлаб беришган. Уларнинг илмий-адабий таржималари натижасида мутасаввифнинг сўфиёна мистик қараашларига европаликларнинг қизикиши тобора орта бошлаган. Улар таржима жараённида асосий эътиборни Румий шеъриятига эмас, балки унинг ҳаёт ва инсон ҳақидаги антропологик ҳамда гносеологик қараашларига қўпроқ урғу беришган. Шунингдек, таржимадаги сўзлар ва матнлар айнанлигига эмас, балки, маъно-моҳиятга эътибор қаратишган. Бунинг натижасида эса бу таржималарда метафора ҳодисаси кучайиб кетган. Шундан сўнг Р.Блий ва К.Барклар ҳам Румий асарлари таржималарига жиддий киришган ва улар аслиятдаги оригиналликни сақлаш мақсадида форс шарқшунос олимлари билан ижодий ҳамкорлик килишган. Шу тариқа “таржимонлик маҳорати”га қараб мутасаввиф асарларининг бир неча нусхалари пайдо бўла бошлаган. Аммо шундай бўлса-да, бу ҳолат Жалолиддин Румийнинг Америкадаги нуфузига таъсир ўтказолмади. Румийнинг асарларини инглиз тилига таржима қилган ilk таржимон Жеймс Редхоуз ҳисобланади. Ундан кейин ҳам бир нечта олимлар Жалолиддин Румийнинг асарларини инглиз тилига таржима қилдилар, аммобулар орасида энг муваффақиятли таржималар Р.Николсон ва К.Баркларга тегишилди. Р.Николсон “Маснавий маънавий” асарини тўлиқ инглиз тилига таржима қилди ва танқидий матнини ҳам яратди. Бу таржима бугунги кунга

қадар “Маснавийи маънавий” таржимасига оид энг салмоқли ва бошқа таржималарга нисбатан аслиятга мос деб тан олинган. Ўзбекистон Халқ шоири Жамол Камол ҳам “Маснавийи маънавий” асарини айнан Р.Николсон таржимаси нусхасидан ўзбек тилига таржима қилган. Коулман Баркс америкаликлар орасида аллома шуҳратини оширишда катта ҳисса қўшган Румий асарларининг асосий таржимонидир. К.Баркс буюк мутасавифнинг

қатор асарларини таржима қилди ва бундан илҳомланиб ўзининг “Румийнинг танланган асарлари” номли китобини нашр эттириди. Унинг бу китоби “маънавий озуқа”га ташна америкаликлар орасида жуда тез орада машҳур бўлиб кетди. Мутасавифнинг исломий анъаналарга асосланган ғоялари америкаликларда кучли қизиқиш уйғотди. К.Баркс ўз мақолаларидан бирида Румий асарларини таржима қилиш жараёни ҳеч кутилмаганда пайдо бўлганлигини таъкидлаб ўтар экан, шундай дейди: “...шундан сўнг мен Жалолиддин Румий асарларини таржима қилиш жараёнида замонавий инглиз тилида энг кўп қўлланадиган сўзлар ва атамалардан эркин фойдаландим, чунки бу бизда кучли анъанадир. Шу билан бирга мен ўзимни анчадан бери ўйлантириб келаётган “Мен қаердан пайдо бўлдим? Мен кимман?” каби интиҳосиз саволларимга жавоб топдим1”. К.Баркс етти йил давомида Румий

асарлари таржимаси устида ишлади. “Мен таржима жараёнига тобора ўнфиганим сари бу асарларда қандайдир бир илоҳий куй ва оҳанг борлигини англай бошладим. Бу ерда сехрли оҳанг бор! Мен уни ҳеч кимга беролмасдим. Мен оҳангларга қулоқ тутар, гўё ичкаридан биркимса қўшиқ куйлаётгандек эди. Уни қўйворгим ва ундан воз кечгим келмасди2”. К.Баркснинг таржимонлик маҳорати ва Жалолиддин Румий ижоди бўйича олиб борган тадқиқотлари кенг жамоатчилик томонидан юксак эътироф этилди. Бу хусусда Жанн Кинней шундай дейди: “Коулман Баркснинг истеъоди билан яшаб, бизнинг замонамида машҳур бўлган танланган тўпламнинг чиройи, моҳияти ва мазмuni барчамиз учун абадий маънавий

ҳадядир”. Жон Корнфилд таъбирига кўра: “Румий – дунёдаги энг етук маънавий устоздир. Унинг асарлари қиймати Баркс томонидан ўринли қўлланган сўзларда яққол акс этади”. Гегелнинг машҳур 4-жилдлик “Эстетика” асарининг кўп ўринларида Румийнинг ижоди хақида сўз юритилади. Мутафаккирнинг фалсафий қарашларидаги ахлоққа оид фикрларидан бу асарда фаол фойдаланилган. Шунингдек, Жалолиддин Румий таълимотидаги асосий ғоялардан хисобланмиш “Мутлақ рух борлиқнинг асосидир” деган онтологик қарашлари Гегель томонидан илмий таҳлил этилган ҳолда, ўзи ҳам бу фикрнинг қўллаб-куватлашини қайд этган. Румий ижоди юксак бадиияти билангина эмас, балки, мантик кучи, фалсафий

фикрларга бойлиги билан ҳам катта таъсир кучига эга. Унинг табиат ва жамият ҳодисаларининг доимий ўсиш, ўзгаришда экани, эскининг йўқолиб, янгининг пайдо бўлиши – “дунёнинг зиддиятлар бирлигидаги зиддиятлар жанги”дан иборатлиги тўғрисидаги қарашлари немис файласуфи Гегелнинг эътирофича, унинг диалектик методни яратишига ёрдам берган1.

Румийнинг асарлари ўқувчилар онги ва тасаввурода турли диалектик қарама-қарши фикрлар мунозараси ва мураккаб туйгуларни ҳосил қиласди. Профессор Р.Николсон фикрича, оддий шеъриятни ва бадииятни севувчилар Румийни англамоқлари учун ўқувчидаги ҳеч бўлмагандага у ёқсан гулханнинг бир чўғи бўлиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Комилов Н. Тафаккур карвонлари.- Т.:Шарқ, 2008 . - Б.182.
- 2.Тюлемисов М. Сокровища вспоминания.-М.:IIFDIASLTD, 1998.-стр.4.
- 3.Карл Эрнст. Суфизм. - М.:ФАИР-ПРЕСС, 2002.-стр.221-222.
- 4.Айзенштейн И.А. Тюркологический сборник. - М.:Наука, 1978.-стр.12.